



100047, Toshkent sh., Y. G'ulomov ko'chasi, 70
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

70, Y. Gulomov str., Tashkent, 100047
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

Javob qaytarganda shu № ko'rsatilsin
When you answer show this №

№ 11.4/483/3 «26» февраль 2021 y.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети
проректори Г.Қ.Абдурахмоновага**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Сизнинг 2021 йил 18 февралдаги 04-12/2-740-сон хатингизга жавобан 08.00.17 – “Туризим ва меҳмонхона фаолияти” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссияси таркиби маъқулланганлигини маълум қилади.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгаши тавсияси (25.02.2021 й., №2); Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг қарори (26.02.2021 й., №2/21а).

Раис

А.Т. Юсупов

Ижрочи: М.Саипова

Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 ракамли илмий кенгаш раиси тақдимномаси
Ўзбекистон Республикаси ОАК Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт
кенгашининг тавсиясига (29.01.2024, № 1) асосан

**08.00.17 – «Туризм ва меҳмоихона фаолияти» ихтисослиги бўйича
малакавий имтиҳон қабул қилиш комиссияси
ТАРКИБИ**

Т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи, лавозими, илмий даражаси, илмий унвони, ихтисослик шифри
1.	Эшптаев Алишер Абдуғаниевич (раис)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра муdiri, профессор, иқтисодиёт фанлари доктори.
2.	Норчаев Асатулло Норбўтаевич (раис ўринбосари)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра муdiri, профессор, иқтисодиёт фанлари доктори.
3.	Нурфайзиева Мохинур Зийниддиновна (котиб)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра в.б доценти, (PhD)
4.	Халилов Сирожиддин Шерали ўғли	Алфрағанус университети, кафедра муdiri, (PhD).
5.	Амонбоев Маҳаммадсидик	Халқаро Нордик университети ўқув ишлар бўйича проректори, доцент, иқтисодиёт фанлари номзоди.
6.	Аҳмедов Икром Акрамович	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, факултет декани, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ваколат муддати 2025 йил «31» декабр гача белгилансин.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори
К.А. Шарипов



« _____ » 2021 йил

«МАЪҚУЛЛАНДИ»
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги ОАК раиси
А.Т. Юсупов

« _____ » 2021 йил

08.00.17 – «ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ФАОЛИЯТИ (ИҚТИСОДИЁТ)»

ихтисослиги бўйича

МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси
Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгашининг
қарори билан тавсия этилган (_____, № _____)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

08.00.17 – «ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ФАОЛИЯТИ (ИҚТИСОДИЁТ)»


ихтисослиги бўйича

МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2021

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2021 йил “30”
август даги Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Туризм ва сервис”
кафедрасининг 2021 йил “22” ИЮНЬ даги 43 -сон йиғилишида муҳокама
қилинган ва тавсия этилган.

Кафедра мудирини  доц. М.Амонбоев

Тузувчилар: и.ф.д., проф. Абдувоҳидов А.
и.ф.н., доц. Амонбоев М.
и.ф.д., доц. Норчаев А.
PhD Халилов С.

Такризчи: и.ф.д., проф. Алиева М.



КИРИШ

Таълим тизимига қўйилаётган замонавий талаблар мутахассисларнинг малакавий даражасини кўтариш ва халқаро андозаларга мос келтиришни талаб қилади. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар бевосита туризм соҳаси билан боғлиқ.

Бу борада Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4861-сонли фармони, 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3217-сонли қарори, 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3514-сонли, 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4095-сонли қарорларининг ижросини таъминлашда тизим олдида турган муаммоларни бартараф этишда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим чора-тадбирларни белгилаб, тегишли талабларни илгари суради.

Шу сабабли, “Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт)” ихтисослигидан малакавий имтиҳони дастури тузишда муаллифлар гуруҳи юқорида қайд этилган талаблардан келиб чиққан ҳолда ёндашди. Дастур иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор таянч докторант ва мустақил изланувчиларнинг туризм, меҳмонхона хўжалиги, ресторан сервисини ташкил қилиш, туризмда транспорт хизматларини ташкил қилиш, экскурсия хизматларини ташкил этиш, экологик туризм хусусидаги билимларини атрофлича баҳолаш имконини беради.

Шунингдек, “Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт)” ихтисослигидан малакавий имтиҳон дастури туризм, меҳмонхона хўжалигини бошқариш, ресторан хизматлари, туризмда транспорт хизматлари, экологик туризмни самарали ташкил этишга оид илмий ютуқларнинг амалиётга татбиғи масалаларини ҳам қамраб олган. Бу эса, тадқиқотчиларнинг туризм ва меҳмонхона фаолиятининг назарий асослари борасидаги билимларини баҳолаш имконини беради.

Дастур 08.00.17 – “Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт)” ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор таянч докторант ва мустақил изланувчилар учун малакавий имтиҳонларга тайёрланиш ва уни топшириш учун мўлжалланган.

Ў БЎЛИМ. ТУРИЗМ

1-мавзу. Саёҳатчи ва турист ҳақидаги тушунчаларнинг моҳияти

Саёҳатчи ва турист ҳақидаги тушунчалар. Саёҳатчи ва туристни ажратиш турувчи асосий фарқлар. Қадимги саёҳатлар ва зиёратчилик. Илк саёҳатчилар тарихи. Томас-Кук замонавий туризмнинг асосчиси. Зиёратчи олимлар. Марказий Осиё алломаларининг туризм билан боғлиқ саёҳатлари.

2-мавзу. Туризм турлари ва шакллари

Туризм турлари ва шакллари. Кириш туризми. Чиқиш туризми. Халқаро туризм. Тарихий обидалар туризми. Археологик туризм. Рекреацион туризм. Соғломлаштирувчи дам олиш. Диний туризм. Экотуризм. Гастрономия туризми. Актив ва пассив туризм турларининг хусусиятлари.

3-мавзу. Туризм соҳасининг ресурслари

Туризм ресурслари тушунчаси. Туризм ресурсларининг гуруҳланиши. Табиий туристик ресурслар. Маданий-тарихий ресурслар. Туристлик ахборот ресурслари. Ижтимоий-иқтисодий туристик ресурслар. Туристлик акватория. ЮНЕСКО муҳофазасидаги объектлар. Дунёнинг янги мўъжизалари.

4-мавзу. Туризм соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларнинг аҳамияти

Ўзбекистон туризмни ривожлантиришда тарихий шаҳарларнинг ўрни. «Шарқнинг қадимий обидалари». «Жаҳон мероси». Ўзбекистоннинг тарихий ва архитектура ёдгорликларига эга бўлган шаҳарлари. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз, Фарғона шаҳарларидаги тарихий-меъморий объектлар. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО рўйхатидаги тарихий шаҳарлари.

5-мавзу. Туризм соҳасидаги хизматлар ва маҳсулотлар

Туристлик хизматлар. Туристлик маҳсулотлар. Тур. Тур пакет. Индивидуал тур. Гуруҳли тур. Мажмуали хизмат кўрсатиш. Буюртмали тур. Инклюзив тур. Туризм соҳаси хизматлари хусусиятларининг «4С» билан ифодаланиши. Хизмат кўрсатиш класслари. «Люкс класс». «Иқтисод класс».

6-мавзу. Туризм соҳасида жойлаштириш хизматлари

Меҳмонхона. Меҳмонхона индустрияси. Туризм соҳасида жойлаштириш воситалари ва хизматлари. Меҳмонхоналарнинг турлари ва таснифи. Меҳмонхона типлари. Европа таснифлаш тизими. Франция миллий

таснифлаш тизими. Ҳинд таснифлаш тизими. Германия таснифлаш тизимлари.

7-мавзу. Туризм соҳасида овқатлантириш хизматлари

Туризм соҳасида овқатлантириш хизматлари. Туризм соҳасида овқатлантириш хизматларининг усуллари. Умумий овқатланиш корхоналари таснифи ва турлари. Хизмат кўрсатиш турлари. Стол сервировкаси.

8-мавзу. Туризм соҳасида транспорт хизматлари

Туризм соҳасида транспорт хизматлари. Транспортда ташиш хизматларининг таснифланиши. Туризм соҳасида транспорт воситалари. Транспорт таъминоти. Транспорт компаниялари. «Ўзбекистон Ҳаво йўллари». «Ўзбекистон темир йўллари». Чипталарни буюртма қилиш. Ташиш маршрутларини ишлаб чиқиш. Туризм соҳасида транспорт хизматлари турлари. Транспортда хизмат кўрсатиш ва қулайлик даражалари. Туристларга транспортда хизмат кўрсатиш.

9-мавзу. Гид-экскурсия хизматларини амалга ошириш жараёнлари

Гид-экскурсия хизмати. Гид-экскурсиячи хизматларининг моҳияти ва таснифи. Экскурсия методикалари. Гид-экскурсиячи хизмати. Гид-экскурсиячининг вазифалари. Гид-экскурсиячилик касбининг шаклланиши. Гид-экскурсиячининг нутқ маданияти. Турист-экскурсия хизматларининг асослари ва ҳуқуқий меъёрлари. Гид-экскурсиячига қўйиладиган талаблар. Экскурсия хизматларида гид-экскурсиячи фаолиятини баҳолаш методикалари.

3-Модул. Турист-маҳсулотни яратиш технологияси

10-мавзу. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш жараёни

Турист-маршрутлар. Туризм маршрутларининг турлари. Туризм маршрутларини тайёрлаш усуллари ва таснифи. Турист-маршрутлар ишлаб чиқишнинг тамойиллари. Турист-маршрутини ишлаб чиқиш босқичлари. Турист-саёҳатининг технологик харитаси. «Турист-сафар» хизмати хавфсизлиги. Турист-сафарининг йўл паспорти. Пекиж-тур. Эксклюзив-турлар.

11-мавзу. Туризм индустрияси ва инфратузилмаси

Туризм индустрияси. Туризм инфратузилмаси тушунчасининг моҳияти. Туроператорлар ва турагентлар фаолияти. Туристларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш. Туристларни саёҳат жойлари билан таништириш. Туризм иншоотлари. Транспорт тармоғи тизими. Коммуникация тармоқлари.

Автомобил йўлларининг туризм инфратузилмасидаги ўрни. Мухандислик тармоқлари. Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари.

II БЎЛИМ. МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИЯ

1-мавзу. Глобаллашув шароитида меҳмонхона хўжалиги инновацион жараёнларининг ривожланиши

Инновация фаолиятини қўллаш зарурлиги ва инновация турлари. Инновацияларни қўллаш босқичлари. Инновациянинг иқтисодий аҳамияти. Меҳмонхоналарда молиявий инновацион жараёнлар. Меҳмонхона бизнесида инновацияларни қўллаш орқали даромадни ошириш. Меҳмонхонада хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Глобаллашув жараёнининг вужудга келиши. Меҳмонхона хўжалигида инновациянинг муҳимлиги. Меҳмонхона хўжалигида инновацияни қўллашда етакчилик услуги. Меҳмонхона хўжалигида ўтказилган инновацион тадқиқотлар натижалари.

2-мавзу. Меҳмонхона бизнесида технологик инновациялар

Меҳмонхоналарда инновацион интернет маркетингини қўллаш. Инновация билан боғлиқ бўлган интернет маркетинг имкониятлари. Меҳмонхона бизнесида интернет технологияларининг амалиётдаги роли.

Туризм ва меҳмонхона хўжалигида ахборот технологиялари турлари ва ахборотлар моҳияти. Меҳмонхона бизнесида бронлаштиришда инновация. Қабул қилиш хизматини жиҳозлаш. Меҳмонхоналарда келган меҳмонларни рўйхатга олиш. Меҳмонхоналарда келган меҳмонларни рўйхатдан чиқариш.

3-мавзу. Меҳмонхона хўжалигида геоахборот тизимлари

Меҳмонхоналарда мижозлар хавфсизлигини таъминлашнинг ахборот тизимлари. Меҳмонхоналарда Fidelio тизимларининг қўлланиши. Меҳмонхоналарда Lodging Touch тизимининг қўлланиши. Меҳмонхоналарда Нимета тизимининг қўлланиши.

Меҳмонхоналарда элестрон бошқарувни ташкил этиш тамойиллари. Электрон бошқарув орқали маркетинг ва сотувларни амалга ошириш. Меҳмонхоналарни бошқаришда автоматлаштирилган электрон модуллардан фойдаланиш. Корхоналар ривожидида электрон ахборот манбаларининг ўрни.

4-мавзу. Меҳмонхона хўжалигида экологик муҳитни сақлашга қаратилган технологик инновациялар

Туризм ва меҳмонхона хўжалигининг экологияга таъсири ва уларни ҳисобга олиш. Меҳмонхона бизнесида экологик менежмент. Меҳмонхона хўжалигида

ривожланган давлатларнинг экологик менежмент тизимлари. Меҳмонхоналарда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тадбирларини режалаштириш.

5-мавзу. Инновацион фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши

Миллий инновацион тизим инновацион тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим асоси сифатида. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш. Ўзбекистон Республикасида инновацион жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солиш тизимининг хусусиятлари. Инновацион тадбиркорликнинг комплекс таъминоти.

Меҳмонхонада инновацион фаолиятни ташкил этиш. Янгиликларни яратиш ва уларни татбиқ этиш. Инновацион ечимларнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолаш.

Инновацион лойиҳанинг моҳияти ва тузилмаси. Инновацион лойиҳалар ва инновацион режалаштириш. Инновацион фаолиятни амалга ошириш стратегияларининг мазмуни ва тавсифи. Инновацион фаолиятда хавф-хатар.

6-мавзу. Меҳмонхона хўжалигида инновацион фаолиятни молиялаштириш

Инновацион фаолият молиявий таъминотининг асосий шакллари. Инновацион фаолиятда инвестицион ресурсларнинг ички манбалари. Инновацион фаолиятда инвестицион ресурсларнинг ташқи манбалари.

Инновациялар самарадорлигини баҳолашнинг методологик жихатлари. Инновациялар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими. Инновацион лойиҳалар самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш методикаси.

Меҳмонхона хўжалигини ривожлантиришда инсон омили. Интеллектуал маҳсулот. Интеллектуал мулк объектлари. Интеллектуал мулки химоя қилиш муҳофаза этиш.

III БЎЛИМ. РЕСТОРАН СЕРВИСINI ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1-мавзу. Умумий овқатланиш корхоналари ва уларнинг таснифланиши

Умумий овқатланиш корхоналарининг тавсифи ва турлари. Умумий овқатланиш корхоналарининг тоифалари. Умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш тамоиллари.

2- мавзу. Ресторан ва овқатланиш корхоналарининг ташкилий бошқарув тузилмаси

Ресторан ва овқатланиш корхоналарининг ташкилий бошқарув тузилмаси. Ресторан фаолиятини ташкил этишда бошқарув функцияларининг ўрни. Ресторанда бошқарув усуллари ва тамойилларидан фойдаланиш. Ресторанда стратегик бошқарувдан фойдаланиш.

Фирманинг ички бошқарувининг усуллари, тамойиллари, вазифалари. Буюртмалар қабул қилиш ва бажариш.

Тайёрлов цехлари: гўштли, балиқли, сабзавотли, иссиқ, совуқ, кондитерлик, ширинликлар, идишларни ювиш, тайёр таомларни сақлаш ва тортиш қодалари.

3-мавзу. Ресторан ва овқатланиш корхоналарида кадрлар менежменти

Ресторанда кадрларни танлаш ва синовдан ўтказиш. Ресторан фаолиятида менежернинг тутган ўрни. Ресторанда хизмат қилувчи ходимларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг вазифалари. Ходимларнинг ресторан миқозлари билан муомала маданияти. Ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш. Ходимларни мотивациялаш, рағбатлантириш ва корпоратив маданият.

4-мавзу. Ресторан ва овқатланиш корхоналарида қўйиладиган санитария-гигиена талаблари

Ресторан ходимларига қўйиладиган санитария-гигиена талаблар. Ресторан идиш-товоқлари ва анжомларига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари. Ресторан ошхоналари ва залларига қўйиладиган санитария-гигиена талаблар. Умумий овқатланиш корхоналарида миқозларга хизмат кўрсатиш гигиенаси.

5-мавзу. Ресторан таомномасини тузиш тартиби

Ресторанда фойдаланиладиган таомноманинг моҳияти ва унинг аҳамияти. Таомнома тузиш тартиби ва унинг турлари. Ичимликлар картаси ва уни тузиш тартиби. Хорижий туристлар учун мўлжалланган таомноманинг ўзига хос хусусиятлари.

6-мавзу. Стол сервировкаси

Столни олдиндан сервировка қилиш ва тайёргарлик ишлари. Столни ўринлар сони бўйича сервировка қилиш. Нонушта учун сервировка қилиш. Тушлик ва кечки овқатланиш учун сервировка қилиш. Столни таомнома бўйича сервировка қилиш. Сервировка қилиш жараёнида официантнинг мажбуриятлари.

7-мавзу. Ресторанда миқозларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш

Мижозларни кутиб олиш ва жойлаштириш. Буюртмаларни қабул қилиш ва бажариш. Мижозларга таом ва ичимликларни бериш қоидаси. Хизмат кўрсатишнинг асосий усуллари. Мижозлар билан ҳисоб-китоб қилиш. Фойдаланилган идиш-товоқ, анжомларни йиғиштириш ва алмаштириш.

8-мавзу. Банкет конференцияларни ташкил этиш ва бошқариш

Банкетларда хизмат кўрсатиш тартиби. Банкетларнинг хилма-хиллиги. Официантларнинг тўла хизмати билан ўтказиладиган катта банкетлар. Официантларнинг қисман хизмати билан ўтказиладиган кичик банкетлар.

9-мавзу. Ресторанларда бошқарувида менежер фаолияти

Ресторанларда бошқарув усуллари ва моҳияти. Ресторанларда бошқарувнинг иқтисодий, ташкилий фармойиш ва ижтимоий-психологик усуллари.

Ресторанларда лидерлик тушунчаси. Лидерликнинг бошланғич назариялари. Лидерликнинг учта асосий вазиятли назариялари. Лидерликнинг замонавий ёндашувлари.

Ходимларни фаолиятга ундашнинг зарурияти ва аҳамияти. Туристик ташкилотлар ва меҳмонхоналарда мотивлаштиришнинг умумий тавсифи. Мотивация назарияларининг вужудга келиши. Мотивация борсидаги замонавий муаммолар. Туристик ташкилотларда ходимларни меҳнатга рағбатлантириш. Меҳнатни рағбатлантиришнинг ягона тизими.

10-мавзу. Ходимларни меҳнатга ундаш ва зиддиятларни бошқариш

Бошқариш жараёнида зиддиятлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари. Зиддиятларнинг асосий турлари. Туризм ва меҳмонхона хўжалигида зиддиятли вазиятларни бошқариш ва уларни бартараф қилиш йуллари.

Ходимларда руҳий зўриқиш ҳоллари ва стресс сабаблари. Ходимларга руҳий консультация бериш ва унинг турлари. Расмий, норасмий ва ҳамкорликка асосланган консультацияларнинг моҳияти.

11-мавзу. Ресторан хизматларини ташкил этишда хавфсизлик қоидалари

Техника хавфсизлиги ва ёнғинга қарши тадбирлар. Санитария-эпидемиология меъёрлари. Официант хизматида хавфсизлик техникаси. Хизматкўрсатувчи шахслар ишида техник хавфсизлик масалалари.

IV БЎЛИМ. ТУРИЗМДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1-мавзу. Туризм соҳасида транспортда ташиш турлари ва уларнинг таснифланиши

Туристтик маҳсулотлар таркибида транспортнинг улуши ва транспортда ташиш хизматларининг хили ва тури бўйича таснифи. Туристтик маҳсулотлар таркибида транспортнинг улуши. Туризм соҳасида транспорт таъминоти тизими. Транспортда ташиш хизматларининг хили ва тури бўйича таснифланиши.

2-мавзу. Туристларга ҳаво транспортида хизмат кўрсатиш

Ҳаво транспорти ҳақида тушунча, халқаро авиаташувларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш. Ҳаво транспортида йўловчи ташишни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари. Халқаро авиаташувларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш. Ҳаво транспортида йўловчи ёки юк ташиш тўғрисидаги шартнома. Авиачипта-авиаташиш тўғрисидаги шартномани тасдиқловчи ҳужжат сифатида. Авиачипталарни бронлаштиришнинг замонавий тизимлари. Ҳаво лайнерларида кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари. «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» Миллий авиакомпаниясида йўловчилар ташиш.

3-мавзу. Туристларга темир йўл транспортида хизмат кўрсатиш

Темир йўлларнинг пайдо бўлиш тарихи. Туризмда темир йўл хизматидан фойдаланиш. Замонавий туризмни ривожлантиришда темир йўл транспортининг ўрни. Поездларда туристларга хизмат кўрсатиш. «Ўзбекистон Темир йўллари» Давлат акционерлик темирйўл компанияси томонидан йўловчилар ташиш. Мамлакатимизда темир йўл транспорти фаолияти. Ўзбекистонда хорижий ва маҳаллий туристларнинг темир йўл транспортдан фойдаланиши. «Ўзбекистон Темир йўллари» Давлат акционерлик темирйўл компанияси таркибидаги йўловчи ташиш поездлари. Поездларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

4-мавзу. Туристларга сув транспортида хизмат кўрсатиш

Сув транспортида хизмат курсатишнинг турлари ва жараёни. Денгиз транспортида йўловчи ташишни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари. Денгиз круиз кемаларида хизмат кўрсатиш. Дарё круиз кемаларида туристларга хизмат кўрсатиш. Яхтинг ҳамда сувда дам олишнинг бошқа турлари.

5-мавзу. Туристларга автотранспорт воситаларида хизматлар кўрсатиш

Автотранспортда ҳаракатланадиган таркиб таснифи. Комфортабель автобуслар ва уларда йўловчи ташиш хавфсизлиги. Автомобилларни ижарага беришнинг ташкил этилиши.

6-мавзу. Туристларга махсус транспорт воситаларида хизмат кўрсатиш

Туристларни ҳайвонларда ташиш турлари. Туристларни итларда ташиш жараёни. Туёқли ҳайвонларда йўловчи ташишнинг экзотик турлари. Фил – туристлар учун энг томошабоп ҳайвон.

7-мавзу. Транспорт хизматларини амалга оширишда хавфсизликни таъминлаш

Саёҳатларда хавфсизликнинг умумий масалалари. Туристларга тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш. Туристларни суғурталаш.

V БЎЛИМ. МИНТАҚАВИЙ ТУРИЗМ ВА ТУРИСТИК РЕСУРСЛАР

1-мавзу. Минтақавий туризмнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, уларнинг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти

Минтақавий туризмнинг иқтисодий мазмуни ва иқтисодиётдаги аҳамияти. Туризмни барқарор ривожланишида минтақавий туризмнинг иқтисодий мазмуни. Минтақавий туризмнинг ижтимоий мазмуни ва унинг жамиятдаги шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида минтақавий туризмнинг аҳамияти. Минтақавий туризмнинг маҳаллий аҳоли ҳаётига ижобий таъсири.

2-мавзу. Минтақаларнинг туристик ресурслар таснифи

Барқарор ва ўзгарувчи омиллар. Табиий иқлимий, географик, маданий-тарихий омиллар. Сиёсий, ижтимоий-демографик, молиявий-иқтисодий ва техникавий омиллар. Ташқи ва ички омиллар. Минтақавий туризмни ривожланишига таъсир этувчи омиллар. Туризм инфраструктураси.

Туристик ресурслар тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти. Туристик ресурсларнинг ўзига хос хусусияллари. Туристик ресурслар таснифи ва уларга қўйиладиган талаблар. Туристик ресурслар таснифига ёндошувлар. Туристик ресурсларнинг турлари.

3-мавзу. Минтақаларнинг туристик ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш

Минтақавий туризмнинг алоҳида ажралиб турувчи асосий белгилари. Минтақавий туризмдан самарали фойдаланишда, уларни баҳолашни аҳамияти. Туристик ресурсларни миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолаш. Миқдор жиҳатидан баҳолаш хислатлари. Сифат жиҳатидан баҳолаш белгилари. Минтақавий туризмни туризм мақсадида баҳолашни ташкил этиш.

4-мавзу. Минтақаларда зиёрат туризми марказлари ва уларни ривожлантириш ресурслари

Зиёрат туризми тушунчаси. Минтақадаги муқаддас зиёратгоҳлар. Ислом дини зиёратгоҳ ва марказлари. Минтақадаги бошқа динлар зиёратгоҳлари. Диний телерантлик. Жанубий Ўзбекистондаги диний обидалар. Марказий Ўзбекистон зиёратгоҳлари. Ғарбий Ўзбекистон зиёратгоҳлари. Шимолий Шарқий минтақадаги зиёратгоҳлар.

5-мавзу. Минтақаларда қишлоқ туризмни ривожлантириш ресурслари

Қишлоқ туризми тушунчаси. Қишлоқ жойларида туризмни ривожлантириш имкониятлари. Агротуризм турлари. Спорт маданий танишув, фермерчилик. Иш юзасидан фаолият, экологик агротуризм. Минтақаларда агротуризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ жойларида экотуризм объекти сифатида рекреацион ресурслардан фойдаланиш.

6-мавзу. Минтақавий рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг экологик–иқтисодий хусусиятлари

Рекреация ресурслари тушунчаси. Табиий, антропоген рекреация ресурслари. Экологик сиғим. Рекреация ресурсларини муҳофаза қилиш. Рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий хусусиятлари. Рекреация инфратузилмаси. Ноёб табиат ёдгорликлари. Ноёб табиат ёдгорликларидан фойдаланиш ва муҳофаза этиш.

7-мавзу. Ўзбекистонни туристик районлаштириш хусусиятлари

Ҳудудий рекреацион тизимлари (ХРТ.) рекреация мақсадида районлаштириш. Туристик районлаштиришда ижтимоий, иқтисодий, географик ва экологик жиҳатларга эътибор қаратилиши. Минтақавий туристик районлаштиришнинг тажрибаси. Ўзбекистонда туристик районлаштиришда ёндашувлар. Ўзбекистоннинг туристик районлари – Тошкент туристик райони, Фарғона туристик райони, Мирзачўл туристик райони, Самарқанд туристик райони, Бухоро-Қизилқум туристик райони Жанубий туристик район. Қўйи Амударё туристик райони. Туристик районлардаги туристик ресурслар салоҳияти.

8-мавзу. Минтақаларнинг маданий-тарихий мероси, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш

Жаҳон маданий-тарихий меросини сақлашда ЮНЕСКО ва Бутунжаҳон туристик ташкилотининг (БТТ) ўрни. Минтақаларда маданий-тарихий меросдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тадбирлари. Шаҳарлардаги архитектура ёдгорликлари ва табиатда геотуристлик ёдгорликлар ва улардан фойдаланиш. Минтақалардаги маданий меросда этнография, урф-одатлар ва анъаналарни тутган ўрни. Минтақаларда мавжуд музейлар ва улардан фойдаланиш. Ўзбекистонда минтақалар бўйича туристик ресурсларнинг жойланиши.

VI БЎЛИМ. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ

1-мавзу. Экотуризм ривожланишининг асослари

Экотуризм тушунчалари ва уларнинг ривожланиши. Экотуризм табиий туризм инфраструктурасининг ажралмас қисми. “Табиий муҳит”. “Экологик барқарорлик”. Табиий бойликга зарар етказмаган ҳолда туристик фаолиятни ривожлантириш. Туризмнинг глобал ахлоқ кодекси. Экотуризмни ривожлантириш учун хорижда ишлаб чиқилган дастурлар ва режалар.

2-мавзу. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда экотуристик районлаштириш

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни ҳудудий ташкил этиш экологик – иқтисодий районлаштириш назарияси. Интеграл районлаштириш ва тармоқ районлаштириш. Ўзбекистон ҳудудидаги йирик макроҳудудлар. Ўзбекистонда янги минтақавий экологик сиёсатнинг олиб борилиши. Ўзбекистонда экологик-иқтисодий районларни ривожлантириш стратегияси.

3-мавзу. Экотуризмни ривожлантиришда махсус кўриқланадиган ҳудудларнинг аҳамияти

Кўриқхоналар, миллий табиий парклар, заказниклар, табиий ёдгорликлар, табиий ёдгорли парклар, табиатдаги музейлар, таъқиқланган ва муҳофаза зоналари, рекреация ҳудудлари. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизими. XXI асда муҳофаза қилинадиган ҳудудларни ривожлантириш.

4-мавзу. Ўзбекистонда экотуризм ривожланиши

Ўзбекистонга экотуризм йўналишида ташриф буюрган туристлар.

Туристларга хизмат кўрсатишдаги асосий омиллар. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш имкониятлари. Ўзбекистонда маҳаллий уюшмаларни тузиш асослари. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш стратегияси. Туристларга хизмат кўрсатиш имкониятлари.

5-мавзу. Экотуризмнинг маҳаллий уюшма (бирлашма) даражасида ривожлантириш

Европа мамлакатлари ва АҚШдаги маҳаллий уюшмалар. Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризм-жамият қўллаб-қувватлайдиган туризм. Маҳаллий уюшмалар фаолиятини ташкил этишда кооперация тажрибаси ва қоидалари. Намибия ва Уганда маҳаллий уюшмалари. Ўзбекистонда маҳаллий уюшмалар тузишнинг экотуризмни ривожлантиришдаги аҳамияти.

6-мавзу. Миллий паркларнинг экотуризм ривожланишидаги аҳамияти

Миллий паркларнинг экотуризмни ривожлантиришдаги аҳамияти. Америка Қўшма Штатлари миллий парклари. Канада миллий парклари. Европа миллий парклари. Африка минтақасида экотуризм ривожланишида табиий ресурслар. Ўзбекистон миллий парклари. Миллий паркларни ривожлантириш концепцияси.

7-мавзу. Экотуризм йўналишида маршрутлар тузиш асослари

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат этувчи чет эллик ва маҳаллий туристларнинг нисбат кўрсаткичи. Туристик марказларнинг тўйинганлик кўрсаткичи. Худуддан ўтувчи туристик оқимларнинг интенсивлигини аниқлаш. Экотуризмда ўзаро боғлиқлик коэффициенти.

8-мавзу. Экотуризм йўналишида ташриф буюрган туристларга хизмат кўрсатиш ҳажмини аниқлаш

Экологик йўналишда режалаштирилган ташриф бўйича келувчилар сони. Экотуризмда ташрифлар интенсивлиги индикатори. Экологик йўналишда ташриф буюрган туристларнинг ўрта кунлик харажатлар индикатори. Экологик йўналишда ташриф буюрган туристларга хизмат кўрсатишга қаратилган қувватларни аниқлаш.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Мақамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январ. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. -104 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабр – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. –48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни / Халқ сўзи, 2019 йил 19 июль.

5. “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли фармони. 2016 йил 2 декабрь.

6. “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сонли фармони. 2017 йил 5 декабрь.

7. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармон. 2017 йил 7 февраль //Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

8. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611 сонли фармон. 2019 йил 5 январь. ҚҲММБ: 06/18/5611/2430-сон. 06.01.2019 й.

9. Абдувоҳидов А. Туризмда ахборот технологиялари. Дарслик. -Т.: ТДИУ. 2019 й.

10. Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. -Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте.

11. Алиева М. Меҳмонхона менежменти. Дарслик. –Т.: ТДИУ. 2010 -Т.: ТДИУ, 2010 й. -320 б.

12. Биржаков М.Б. Введение в туризм. - Издание 9-е переработанное и дополненное. - СПб.: «Издательский дом Герда», 2007. -576 с.

13. Дмитриев М.Н., Забаева М.Н., Малыгина Е.Н. Экономика туристского рынка: учебник для студентов вузов, обучающихся по направлениям сервиса и туризма / -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. – 311 с.

14. Пулатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж., Султонов. Ш.А, Шавқиев Э. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма.Т.: Фан ва технология, 2018. – 296 бет.

15. Болтабоев М., Тухлиев И., Туризм асослари. Дарслик.-Т.: Фан ва технология, 2018.- 332 б.

Қўшимча адабиётлар

16. В. И. Кружалин, Н. С. Мироненко, Н.В. Зигерн-Корн, Н. В.Шабалина. География туризма. Учебник. -М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. -336 с.

17. Севастьянова С.А. Региональное планирование развития туризма и гостиничного хозяйства. Учебное пособие. –М.: Экономика Издательство. 2015. -256 с.

18. А. Д. Чудновский, Н. В. Королев, Е.А. Гаврилова, М. А. Жукова, Н. А. Зайцева. Менеджмент туризма. Учебник. -М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. -576 с. ISBN 978-5-4365-0133-8.

19. Vanessa Ratten, Vitor Braga, Jose Álvarez-García, Maria de la Cruz del Rio-Rama. Tourism Innovation: Technology, Sustainability and Creativity. Routledge, 2019 y. –p 174.

20. Норчаев А., Нурфайзиева М. Минтақавий туризм. Ўқув қўлланма.- Т.: ТДИУ 2020 йил. -185 б.

21. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали

22. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

23. www.economist.com – Бутунжаҳон Иқтисодий форуми.

24. www.worlddeconomics.com – Бутунжаҳон иқтисодий таҳлиллар портали.

25. www.unwto.org. – Бутунжаҳон туризм ташкилотининг расмий сайти.

26. www.uzbektourism.uz – Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг расмий сайти.